



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 18 октябрь, № 216 (7446)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## БАРЧА МАҚСАД ВА ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ, ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ, ВАТАНИМИЗ ТИНЧЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ислохотлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 17 октябрь куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.



Вилоятни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан жорий йилнинг 9 ойида 575,2 миллиард сўмлик 263 лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган. Ҳудудда 696 миллиард сўмлик 329 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, 2 523 та иш ўрни яратилди. 122 750 долларлик саноат маҳсулотлари, мева-сабзавот, полиз ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилинди.

Жорий йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ялпи ҳудудий маҳсулот 5,8 фоиз ўсди. Саноат маҳсулотлари ҳажми 7,3, қишлоқ хўжалиги 3,4, халқ истеъмоли моллари 6,8, хизмат кўрсатиш 11,1 фоизни ташкил этди. Ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 79,8 фоизга етди.

Президентимиз Сурхондарё вилоятига бу галги сафарини аънаёна кўра Ҳақим Термизий макбараси зиёратидан бошлади. Кейинги йилларда таъмирланиб, янада обод ва гўзал мажмуага айланган ушбу табарур масканда Куръон тиловат қилинди.

Уламолар билан бўлиб ўтган суҳбатда ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома Ҳақим Термизийнинг маънавий-маърифий меросини чуқур ўрганиш ҳамда юрдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳақида сўз юритилди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда миллий кадрларимизни тиклаш, муқаддас динимизни, буюк алломаларимизнинг бой меросини ўрганиш, уларнинг қадамжоларини обод қилиш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Имом Бухорий ва Имом Термизий номидидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистондаги Исломи цивилизацияси маркази, Ўзбекистон илмий-тадқиқот академияси ташкил этилди. Улуғ уламоларнинг номлари билан аталган диний мажмуалар, жоме масжидлари, илмий марказлар бунёд этилди.

Давлатимиз раҳбари жамиятимизда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, билиб-билмай адашганларни афв этиб, тўғри йўлга қайтариш, уларнинг ҳаётида ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, бу борада маънавий-маърифий ишларни кучайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Сурхондарё вилояти турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда бой тажрибага эга. Фермер хўжалиқларининг 1 797 таси пахтачилик-ғаллачилик, 1 962 таси боғдорчилик-узумчилик, 84 таси сабзавотчилик ва полизчилик, 43 таси ғаллачилик-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган. 888 фермер хўжалигида чорва моллари парвариланмоқда.

Жорий йилда вилоят пиллакорлари 1 627 тонна сифатли

хом ашё тайёрлади. 93 минг гектар майдондаги ғалладан 532,5 минг тонна ҳосил йиғиб олинди, 301 минг 216 тоннаси давлат қабул пунктларига топширилди. Пилла ва дон ишлаб чиқаришдан 649,5 миллиард сўм даромад қилиниб, 157 миллиард сўм соф фойда олинди. Ҳосилдан бўшаган майдонларга тақририй экин парвариллашдан 2 триллион 375 миллион сўм даромад қилиш мўлжалланмоқда.

Вилоятда 17 181 гектар майдонда мева, 13 300 гектарда узум етиштирилди. Ҳозиргача 114 700 тонна мева, 83 300 тонна узум олинди.

Жорий йилда вилоят пахтакорлари ҳам салмоқли ҳосил етиштирди. Айни кунларда мева-сабзавот, узум, полиз ва бошқа зироатларни йиғиштириб олиш баробарида, пахта ҳосилини ёгин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиб олишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозиргача топширилган 80 фоиз пахта ҳисобидан 817 миллиард сўм даромад олинди, 96 миллиард сўм фойда кўрилган, мавсум якунигача бу кўрсаткич 135 миллиард сўмдан ошиши кутулаётгани пахтакорларни янада унумли меҳнат қилишига ундамоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев Ангор туманидаги «Ангор Сурхон гурури» пахта-тўқимачилик кластери даласида пахта ҳосилини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йил январда вилоятга сафари чоғи-

да пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Шу асосда Сурхондарёда 6 та тўқимачилик кластери ташкил этилди. Улар жами пахта майдонининг 67 фоиздан зиёдини қамраб олган. 2020 йилда бу кўрсаткични 100 фоизга етказиш режалаштирилган.

Кластер тизими соҳага замонавий технологиялар ва инновацион ишланмаларни жорий қилишда муҳим омил бўлмоқда. «Ангор Сурхон гурури» масъулияти чекланган жамиятида ҳам янги иш услуби асосида ҳосилдорлик ва маҳсулотларнинг рақобатбардорлиги оширилмоқда. Ушбу кластернинг жами майдони 9 180 гектар бўлиб, унинг 8 100 гектаридан кўпроғига экин экилади. Жумладан, бу йил қарийб 5 минг гектар ерда ингичка толали пахта етиштирилган.

Юртимиз олимлари томонидан яратилган гўзанинг «Сурхон-14», «Сурхон-16» навлари икки йил мобайнида тажрибадан ўтказилди. Ингичка толали бу нав турли об-ҳаво шароитларига, сувсизлик, гармсел ва зараркунда ҳашаротларга чидамлилиги, эртапишарлиги билан аҳамиятли. Толасининг узунлиги, пишиқлиги, текстил-бонлиги жажон бозорида харидорлар ҳисобланади. Бошқа навлар билан меҳнат ва ресурс сарфи бир хил бўлгани ҳолда ингичка толаннинг иқтисодий самарадорлиги 60 фоиз кўп.

— Биз еримизга сарфланаётган харажатга нисбатан кам ҳосил оляпмиз. Нав билан, илмий агротехника билан шуғулланмай кўйгандик. Меҳнат унумдорлиги, манфаатдорлик паст эди. Аслида ерга меҳр берган инсон бой бўлиши керак. Бизнинг мақсадимиз шу. Илм бўлмаса, ривожланиш бўлмайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент ингичка толали гўза навларини кўпайтириш ва экин майдонларини кенгайтириш, олимларни рағбатлантириш бўйича топшириқлар берди. Кластерлар фаолиятини ривожлантириш истиқболлари тўғрисида сўз юритилди.

— Энди ҳамма кластерлар чорвачилик комплекслари ташкил қилади. Чунки уларда озуқа базаси бор. Чорвачилик ривожланса, гўшт, сут арзон бўлади. Бу халқимиз фаровонлиги, болаларимиз саломатлиги учун муҳим, — деди давлатимиз раҳбари.

Бугунги кунда кластерда 900 дан зиёд ишчи ва мутахассислар меҳнат қилмоқда. Келгусида қайта ишлашни кенгайтириш ҳисобидан янада кўп иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Денов туманидаги Жануби-Фарбий махсус ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмда бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига мувофиқ, Мудрофаа вазири барча ҳарбий қисм ва муассасаларининг штат туркумлари, шахсий таркиби тубдан такомиллаштирилмоқда.

Мазкур ҳарбий қисм ҳам 2018 йилдан аралаш ҳарбий қисм таркибиде фаолият юритмоқда. Бу ерда мuddатли ҳарбий хизматчилар 21 йўналишдаги мутахассислик бўйича тайёрланади. Қисмда ҳарбий хизматчилар учун барча шароит яратилган. Жумладан, бир вақтнинг ўзиде 500 дан ортқ ҳарбий хизматчилар амалий ва назарий машғулот ўтатиш имконини берувчи 3 қаватли ўқув биноси, 6 та ётоқхона, замонавий спорт мажмуаси, ошхона қурилди. Ўқув биноларидаги компьютер хоналари, электрон кутубхонада ҳарбийларнинг замонавий билим ва илғор кўникмаларини энгаллаши, ўз устида мунтазам ишлаши учун зарур имкониятлар яратилди.

Мудрофаа вазири ва вилоят ҳарбий-маъмурий сектори томонидан ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига шарт-шароит яратиш мақсадида жорий йилда ҳарбий шаҳарчада 64 хонадонли 4 та кўп қаватли уй, нодавлат мактабгача таълим муассасаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий қисмдаги шароитлар, янги ташкил этилган бўлинмалар, аскарлар ва ҳарбий хизматчилар-

нинг ўқув фаолияти билан танишди.

Саф майдонида Олий Бош Қўмондонга мuddатли ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигига бағишланган кўргазмали машғулотлар намойиш этилди. Президентимиз ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар намуналарини кўздан кечирди.

Ҳарбийлар билан мулоқотда Президентимизга Жануби-Фарбий махсус ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмларни замонавий техника ва қурол-аслаҳа билан таъминлаш, кўшикларнинг бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, мазкур қисмда жанговар ва ўқув-тайёргарлик жараёнини автоматлаштиришга доир лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

— Ҳарбийлар халқимизнинг маънавий етук фарзандлари бўлиши керак. Бунинг учун шахсий таркибнинг маънавий етуқлигини, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигини юксалтириш лозим. Сиз Амир Темур, Жалололдин Манғуберди каби буюк аждодларимиз ворислари эканлигини доим ҳис қилиб, шунга муносиб хизмат қилсангиз, ёшларимиз ватанпарварлик, она юртва садоқат туйғуларини сизлардан ўрганади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент аскар ва офицерларнинг жанговар шайлигини ошириш, яшаш ва дам олиш шароитини яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш лозимлигини таъкидлади. Жойлардаги ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди. Ҳарбий қурилиш тизимини такомиллаштириш, аскарларнинг маънавиятини ошириш бўйича дастур ишлаб чиқиш юзасидан топшириқлар берилди.

Шавкат Мирзиёев Денов туманида ҳарбийларнинг фарзандларини қуролдан нодалват боғчага ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мактабгача таълим тизимини юксалтириш, болаларни мактабга сифатли тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойларда болаларни мактабгача таълим билан тўлиқ қамраб олиш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосида замонавий боғчалар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Сурхондарё вилоятида ўтган йили 288 мактабгача таълим муассасасида 3 — 7 ёшли болаларнинг 11,6 фоизи қамраб олинган бўлса, айни пайтда 355 та давлат ва 177 та нодавлат боғчада жами болаларнинг 24,3 фоизи тарбияланмоқда. Йил охиригача бу кўрсаткич 32,3 фоизга оскиб, 74 минг

ўғил-қизни замонавий боғчаларга қамраб олиш режалаштирилган.

Денов туманидаги Боғи Эрам маҳалласида «Меҳнат фаровон ҳаёт» фермер хўжалиги томонидан 150 ўринли «Смарт кид» нодавлат мактабгача таълим муассасаси барпо этилди. Икки қаватли мазкур боғча чет тилларга ихтисослаштирилган бўлиб, болалар инглиз, рус ва корейс тиллари бўйича бешта гуруҳда тарбияланади. Бундан ташқари, спорт, мусиқа ва санъат тўғрисидаги фаолияти йўлга қўйилган.

Мактабгача таълим муассасасида, асосан, ҳарбий шаҳарчада яшаётган ҳарбийларнинг, шунингдек, ён-атрофидаги аҳоли фарзандлари тарбияланмоқда. Боғчага ишга қабул қилинган 22 тарбиячининг 14 нафари ҳарбийларнинг турмуш ўртоқларидир.

Давлатимиз раҳбари боғчадаги шароитларни кўздан кечирди, тарбиячилар билан мулоқот қилди. Тарбияланувчилар беш ташаббус ҳақида шеър айтиб берди. Президентимиз болаларга совғалар топширди.

— Тадбиркорларимизнинг шароитни тушуниб боғчалар қураётгани хозирги сиёсатимизга кўмак, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бундай боғчалар асосий эътиборни бола тарбиясига қаратади, давлат боғчалари билан рақобатда ишлайди.

Шу ерда Мактабгача таълим вазириги ва «Узавтосаноат» акциядорлик компанияси томонидан ишлаб чиқилган мобил ва модуль боғчалар тақдими ўтказилди.

Маълумки, олис ва чекка ҳудудлардаги кам хонадонли аҳоли пунктларида боғча қуриш ўзини оқламайди. Шунинг ҳисобига олиб, мобил боғчалар тақлиб қилинмоқда. Бунинг учун «Isuzi» акциядорлик компанияси кўринишида модернизация қилиниб, жиҳозланди. «Ақлвой» деб номланган мобил боғчалар чекка ҳудудларга бориб, болаларга кундуз кунли таълим-тарбия беради. Яна бир жиҳат, мобил боғчалар учун 2 сотих ерда ўйин майдончаси барпо этилади. Бу болаларга аънавий боғчалардагидек шароитда тарбияланиш имконини беради.

Денгиз контейнерларидан қурилган модуль боғчаларда 90 нафаргача болани қамраб олиш мумкин. Бундай боғчалар орти исоқ ва сувуқ ўтказмай диган материал билан қопланган, ичида ҳам замонавий шароитлар қозилган. Болаларга таълим бериш методикаси, машғулотлар ўтказиш учун яратилган қулайликлар чет эл тажрибасига тўла мос келади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

### Кун воқеалари

қисқа сатрларда

- Франкфуртдаги халқаро китоб кўргазмасида ўзбек ноширлари ҳам иштирок этмоқда.
- Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтини томонидан энергия ва ресурстежамкор картошка кавловчи техника ишлаб чиқилди.
- Чирчиқ давлат педагогика институтига Ўзбекистон Қадимий, халқ шоири Абдулла Орипов ижодида бағишланган «Она тилим, сен борсан, шаксиз, Булбул куйин шеърга соламан...» мавзуда адабий-маърифий тадбир ўтказилди.
- Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида «Туркистон» санъат саройида Қозоғистон халқ артисти Роза Римбоева иштирокида концерт бўлиб ўтди.
- Қўқонда «Менинг тилим Навоийнинг тилидир» мавзуда шеърят кечаси уюштирилди.
- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 1-Тошкент академик лицейида ўтказилган маънавий-маърифий кечада она тилимизнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда унинг ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида сўз юритилди.

«Халқ сўзи».

### ВАШИНГТОНДА ЎЗБЕКИСТОН — АМЕРИКА БИЗНЕС ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси маълумотига кўра, шу йилнинг 21-22 октябрь кунлари Вашингтонда Ўзбекистон — Америка бизнес форуми, шунингдек, Савдо ва инвестициялар бўйича доиравий битим Кенгашига аъзо мамлакатларнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтади.

#### Хамкорлик

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси билан хамкорликда ташкил этилаётган бизнес форумида АҚШ савдо вазири Уилбор Росс, шунингдек, АҚШ ва Канаданинг «Fortune 500» рўйхатига кирувчи 150 дан ортқ компаниялари, халқаро ташиқлотлар, молия институтлари иштирок этиши кутулкимоқда.

Мазкур муҳим воқеа олтидан АҚШдаги элчихонамизда брифинг ташкил этилди. Унда «Boeing»,

«Coca-Cola», «CNH Industrial», «John Deer», «Caterpillar Inc.», «VISA Inc.», «ExxonMobil» ва бошқа компаниялар, шунингдек, АҚШ Савдо вазириги, Давлат департаменти, Америка халқаро таълим бўйича кенгаши, Конгресс тадқиқот хизмати вакиллари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққан мамлакатимизнинг АҚШдаги Фавкулдда ва мухтор элчиси Ж. Ваҳобов америкаликларга

кейинги йилларда Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти механизацияга ўтиш борасида олиб борилаётган ислохотлар, шунингдек, бўлажак Ўзбекистон — Америка бизнес форумига қўриллаётган тайёргарлик ҳақида маълумот берди.

Ўз навбатида, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Каролин Лэмм ушбу йирик анжуманга АҚШ томони савдо вазири У. Росс бошчилигида юқори даражада тайёргарлик қўриллаётганини таъкидлаб, бу АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклики чинакам маънода савдо-иқтисодий мазмун билан тўлдиришига ишонч билдирди.



### Депутат фикри

#### ОНКОГЕМАТОЛОГИЯ СОҲАСИ ИСЛОХОТЛАРГА МУҲТОЖ

Аҳоли саломатлигини сақлашда кафолатланган малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг сифатини яхшилаш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири саналади. Мазкур соҳада кенг йўналиш ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Аммо тиббиётнинг онкогематология соҳасида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар борлиги аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўляпти. Бугун матбуот ҳам бу ҳақда бонг урмоқда. Ижтимоий тармоқларни ўқир эканмиз, ҳар кун бу оғир хасталиқдан азоб чекаётган қайсибир беморнинг неча ўнлаб қариндошлари саховатпеша инсонлардан кўмак сўраётганига гувоҳ бўламиз. Чунки яқинлари, жигарини ўлим чангалдан олиб қолиш, лоақал бир неча кунга бўлса-да, умрини

узайтириш учун бор-будини соғити бўлишган, энди эса, ноилж кўмак сўрашга мажбур...

Бу шундай дардди, ҳар кун қиммат дориларни талаб этаверади. Манаман, деган одам ҳам бу хасталиқ олдида илжосиз қолади. Республика Гематология ва қон қуйиш илмий-тектириш институти лейкоз касаллигини даволовчи ягона тиббий муассаса ҳисобланади. Бу даргоҳда ўз касбининг фидойилари, билимдонлари садоқат билан меҳнат қилишмоқда.



# БАРЧА МАҚСАД ВА ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ, ФАРЗАНДАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ, ВАТАНИМИЗ ТИНЧЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

◀ (Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Янги лойиҳаларни мактабгача таълим тизимига кенг ёйиш, мамлакатимизда боғчалар қамровини келаси йилда 50 фоизга етказиш бўйича кўрсатмалар берилди. Шавкат Мирзиёев Денов туманидаги лойиҳа қиймати 20 миллион доллар бўлган «Денов текстиль» пахта-тўқимачилик кластерида бўлиб, унинг имкониятлари билан таништи.

Президентимиз аввалги ташрифтаги «Денов» кластер вилоятда пахтани тўлиқ кластер усулида етиштириш, ҳар бир туманда замонавий кластерлар ташкил этиш зарурлигини таъкидлаган эди. Ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самарали бўлган бундай тизим жорий йилдаёқ реал натижаларини бера бошлади. Айни пайтда қорхонанинг биринчи босқичи ишга туширилиб, кластер усулида калава ип тайёрланмоқда. Йилга 6 300 тонна калава ип тайёрлаш қувватига эга қорхонада жорий йилнинг тўқинчи ойида 46,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Қорхонада иккинчи босқичда тикувчилик линияси ташкил этилиб, экспортга йўналтирилган тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, 300 дан орტიқ хотин-қизлар доимий иш билан таъминланди.

Лойиҳанинг учинчи босқичида матони бўяш ва пардозлаш кор-

хонаси ҳам ишга туширилади, унда йилга 5 миллион погонметр газлама ишлаб чиқарилади.

2020 йилда вилоятда қиймати 107 миллион долларлик ана шундай 10 та кластер ишга туширилиши режалаштирилган. Шундай чора-тадбирлар натижасида келаси йилда вилоятда пахта толасини 100 фоиз шу ернинг ўзида қайта ишлашга эришиш мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари кишлоқ хўжалигида кластер тизимининг аҳамиятига алоҳида тўхтади. Ҳар бир кластер қошида 10 минг бош қорамол боқиладиган чорвачилик мажмуалари ташкил этиш бўйича топшириқ берди. Бу гўшт нархи асосидан равишда ошиб кетишининг олдини олади.

— Бундай ишларни тезлаштириш керак. Ҳар бир жой, ҳар бир ер одамларни боқиб олиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бундай саннат қорхоналари аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя каби масалаларга ҳам ечим бўлади.

Шу ерда 2019 — 2021 йилларда вилоятда кишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш, Денов шаҳри бош режаси ҳамда келгуси икки йилда Денов туманини обод қилиш бўйича лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

72 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган Денов шаҳри янада кенгайиб, 2030 йилда унинг майдо-ни 2025 гектарга, аҳолиси 90 мингга етади. Янги режага

мувофиқ эски, кўрimsиз кўча ва бинолар ўрнига замонавий кўп қаватли уйлар, мактаб ва боғчалар, амфитеатр, хибонлар қурилади. Шаҳар марказидаги XVII асрга оид «Саид оталик» мадрасаси ва қалъа жойлашган ҳудудда хўнарандчилик маркази барпо этилади. Қизилсув дарёси қирғоқларида дам олиш масканлари ташкил қилинади.

Президент бу борадаги бунёдкорлик ишларини тезлаштириш, одамлар учун ҳар томонлама қулай уй-жойлар қуриш зарурлигини таъкидлади.

Боғдорчилик, узумчилик клас-терлари ташкил этиш, сабзавотчилик, логистика марказлари қуришга қаратилган лойиҳалар иқтисодий таҳлилларда баён этилди. Эндилдики вилоятда «бир мил-халла — бир маҳсулот» тамойили асосида фермерликни ривожлантириш, аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқатлар билан таъминлаш ҳаракати бошланди.

Ангорда аҳоли томорқалари тадбиркорлигини ривожлантириш, Узун туманидаги дон кластери, шунингдек, вилоятда ташкил этиладиган фаллачилик кластерлари ҳақида сўз юритилди. Шўрчи туманида «Чиноз текстиль» масъу-лият чекланган жамияти томонидан амалга ошириладиган лойиҳаларни кўздан кечирди.

Кишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан халқаро консалтинг компания қўмағида юртимиз да-лаларида етиштирилган мева-

сабзавотлар ҳосили, экспорт салоҳияти, жаҳон бозоридаги талаб ва таклифи ўрганиш таҳлиллар-да баён этилди. Сурхондарё иқлим шароитидан келиб чиқиб, кишлоқ хўжалигида эртапишар, экспортбоп экан турларини кўпайтириш лозимлиги қайд этил-ди. Хусусан, лимон экишни кўпайтириш борасида аниқ топшириқлар берилди.

Ўтган йили Шеробод туманида цемент заводи ишга туширилган эди. Бу йил Жаркўрган туманида «Сурхонцементинвест» хорижий қорхонаси барпо этилди. Бу ерда Германия, Австрия, Россия ва Хитойдан келтирилган замонавий технология ва ускуналар ўрнатил-ди. Лойиҳа қиймати қариб 144 миллион доллар бўлган қор-хонанинг биринчи босқичи якун-ланган. Завод тўлиқ қувват билан иш бошлагач, йилга 1,1 миллион тонна цемент ишлаб чиқарилиб, унинг 750 минг тоннаси экспорт қилинади, 1 125 киши иш билан таъминланади.

Президент ушбу завод билан таништи.

— Сурхондарё вилоятининг иқтисодий имкониятлари жуда кат-та. Бу ерда ер ости бойликлари кўп. Менделеев даврий jadвалига-даги деярли барча элементлар бор. Бундан оқилона фойдаланиш-имиз, халқимиз манфаати учун ишлатишимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шунингдек, келгусида 12 мил-лион доллардан зиёд инвестиция

жалб қилиш орқали қуруқ қурилиш аралашмалари, гидратланган оҳак, темир-бетон маҳсулотлари ҳам тайёрлаш режалаштирилган.

Шу ерда вилоятда саннат, ки-чилик бизнес ва хусусий тадбиркор-ликни ривожлантириш, ичимлик ва оқова сув тизимларини яхшилаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини оширишга қаратилган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Вилоятга бириктирилган элчи-хоналар томонидан амалга ошири-лаётган инвестиция лойиҳалари ҳақида ҳам маълумот берилди. Унга кўра, Австрия, Япония, Афғонистон ва Тожикистон билан ҳамкорликда вилоятда 2020–2021 йилларда 90,2 миллион долларлик 47 та ис-тиқболли инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши кўзда тутилган.

Вилоятнинг ҳар бир туманида 9 — 12 қаватли уйлар қуриш, Денов тумани иқтисодиётини ри-вожлантириш, туманда эркин иқтисодий зона ташкил этиш, ви-лоят экспорт салоҳиятини оши-риш, кўпроқ инвестициялар жалб қилиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**  
**Амтор АСРОРОВ,**  
**Ҳолмўмин МАМАТРАЙИМОВ,**  
**ЎЗА мухбирлари.**

## ОНКОГЕМАТОЛОГИЯ СОҲАСИ ИСЛОҲОТЛАРГА МУҲТОЖ

◀ Дунё амалиётида лейкозни да-волаш энг қимматга тушадиган ка-саллик тури экани таъкидланди. Ҳақиқатан ҳам, оқ қон — энг оғир, даволаниши қийин ва кўпчилик аҳоли тоифаси учун сарф-хара-жати қиммат хасталик. Узоқ даволаниши та-лаб этадиган бу касаллик сабаблари ҳануз-гача дунё тиббиётида аниқланмаган.

Энг ачинарлиси, дори-дармон ва тиббий жихозларнинг аскарияти дорихоналардан топилмайди. Масалан, бемор учун ўта зарур тромборасходник, деган асбобни Ўзбе-кистоннинг бирорта дорихонасида топол-майсиз (уни кўчадан қиммат нарҳда сотиб оласиз). Бир марталик қон олиш ва қон қуйиш учун ишлатиладиган ва асбобдан бир

беморга камида 10 донагача керак бўла-ди.

Оддий эритма (физраствор), антибиотик-лар ҳам етишмайди. Ишлатиладиган мавжуд антибиотикларнинг таъсир даражаси паст.

Касалликни даволашда кимё терапия асосий аҳамиятга эга. Тўғри, бўлимда кимё терапия учун дори бепул. Аммо зарурат юза-сидан бир марта ундан фойдаланган одам иккинчи марта асло фойдаланмайди. Чунки кимё терапия учун ишлатиладиган дори (Хин-дистонда ишлаб чиқарилган) кўп ҳолларда но-жўра таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам беморлар кимё терапия муолажаси учун юқори сифатли Европа дориларини қиммат нарҳда сотиб олишга мажбур бўлишмоқда.

Шунингдек, вилоятлардаги гематология бўлимларининг аҳоли ҳам жуда ачинар-ли. Малакали кадрлар бўлгани ҳолда, дори-дармон, асбоб-жихозлар билан таъ-минланмаганидан, бўлимлардаги ночор шароитдан аҳоли норози. Шунинг учун ҳам республикамизнинг барча вилоятларидан беморлар Тошкентга даво илнжидга ке-лишади. Бир ой эмас, йиллаб даволаниши-ни талаб қиладиган бу касаллик бемор-нинг қариндошлари учун ҳам катта муам-мо, ташвиш ва машаққатдир. Яшаш жойи, ижара пули, қимматдан-қиммат дори-дар-мон, деганлари ҳар қандай одамнинг тин-касини қурифтади...

Тиббиёт соҳасини ривожлантиришга, одам-

ларни рози қилишга катта эътибор қари-та-лаётган бир пайтда, онкогематология соҳаси тизимли ислоҳотларга жуда муҳтож. Бунинг учун нима қилиш керак? Энг аввало, жой-лардаги гематология бўлимларига эътибор-ни кучайтириш, уларни таъмирлаш ҳамда ас-боб-ускуналар билан жиҳозлаш, дори-дармон таъминотини йўлга қўйиш зарур. Институ-тнинг жойларда филиалларини очиб мақсад-га мувофиқ. Энг муҳими, аҳолини жойида чу-қур ўрганиш, беморлар, уларнинг яқинлари-дан ҳол сўраш, бу — олдимизда турган дол-зарб масаладир.

Комила КАРОМОВА,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси депутати.

# ИЛМИ, МАЪРИФАТЛИ ИНСОН ЖАҲОЛАТГА БЕРИЛМАЙДИ

Мамлакатимизда миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш, улуг алломаларимизнинг илмий меросини чуқур тадқиқ қилиш, ушбу бебаҳо маънавий ҳазинадан, айниқса, ёшларимизни баҳраманд этиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Мазкур соҳада олиб борилаётган кўламли ислоҳотлар нафақат юртимиз, балки жаҳон миқёсида ҳам алоҳида эътироф этилиб, диний бағрикенгликнинг намунали модели сифатида баҳоланмоқда. Ўзбекистоннинг диний эркинликлар соҳасида алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар рўйхатидан чиқарилгани, БМТ Бош Ассамблеяси ялпи мажлисида Ўзбекистон томонидан тақлиф этилган “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг бир овоздан қабул қилингани бунинг яққол далилидир.

## Қарор ва ижро

Олиб борилаётган қатор саъй-ҳаракатларга қара-май, юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жара-ёнларга диний тус бериш, сохта гоғяларни асл диний қадриятлар сифатида талқин қилиш ва аҳоли орасида носоғлом ақидади сингдириш ҳолатлари кузатилаётган. Шу маънода, диний-маърифий со-ҳани янада такомиллаштириш, жамиятда “Жаҳолатга қарши маърифат” деган улугвор гоғя асосида дин-нинг инсонпарварлик, эзгулик ва тинчлик каби фа-зилатларини ҳамда диний бағрикенглик руҳини кенг тарғиб қилиш бугунги куннинг долзарб вазифала-ридан бирига айланди.

Президентимизнинг жорий йил 4 сентябрда қабул қилинган “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тақо-миллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал вазифасини ўтайди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйи-ча қўмита, Ички ишлар вазирлиги ва қатор жамоат ташкилотларининг жамиятда виждон эркинлиги ка-рофатлари ҳамда диний-маърифий муҳит барқарор-лигини таъминлаш бўйича муस्ताҳкам ва доимий ҳам-корлигини назарда туvuчи янги тизим жорий этил-моқда. Унда бир қатор муҳим масалалар қамраб

олинган бўлиб, улар замирида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш гоғяс муҳасса. Ҳозир тарғибот гуруҳлари томонидан жойларда турли тад-бирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ҳамда ту-шунтириш ишлари жадаллик билан олиб бориляпти.

Хусусан, Ўзбекистон халқаро ислом академия-сида давлатимиз раҳбарининг юқорида келтирил-ган қарори асосида юртимиздаги диний-ижтимоий жараёнлар ҳамда диний бағрикенгликни таъмин-лаш масалаларини ўрганиш натижаларига бағиш-ланган илмий тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, аждоқларимизнинг илмий меросини ўрганишни кенг тарғиб этиш, ёшларимизга диннинг асл моҳиятини тушунтириш ишларига алоҳида эътибор қаратиш-моқда. Яқинда ўтказилган “Жаҳолатга қарши маъ-рифат” руқни остидаги “Дин ва давлат” мавзусида-ги халқаро анжуман ҳам ана шундай саъй-ҳаракат-лар намунасидир. Унда Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан узр муносаба-ти, ислом динининг тинчликпарварлик моҳияти ҳамда мутаассиблик ва жаҳолатнинг қораланиши, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш гоғси-нинг аҳамияти, экстремизм гоғялари таъсирига ту-шиб қолган, тўғри йўлдан адашган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш каби долзарб ма-салалар илмий-амалий таҳлил қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон халқаро ислом ака-

демиясининг Илмий тадқиқотлар ва инновация лойиҳалар маркази томонидан пухта таҳлиллар асоси-да тайёрланган “Жаҳолатга қарши маърифат” ўқув қўлланмасининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Қайд этиш кераки, мазкур қўлланмада миллатлараро то-тувлик ва диний бағрикенгликнинг моҳияти, мута-ассиблик, экстремизм ҳамда терроризмнинг сал-биб жиҳатлари кенг қамровли маълумотлар ва да-лиллар орқали атрофича баён қилинган. Шу би-лан бир қаторда, ислом никоби остида фаолият кўрсатаётган бузғунчи оқим ва ҳаракатларнинг юзага келиш тарихи, уларнинг мақсади, гоғявий-ақидавий асослари, молиявий манбалари, фаолият услубла-ри ва байиринсоний моҳияти алоҳида бандлар асо-сида оғиб берилган.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида келтирилган қарорига кўра амалга оширилаётган бу каби тар-ғибот-ташвиқот тадбирлари Ўзбекистон халқаро ислом академиясида давом эттирилади. Қолаверса, ҳамкор вазирлик, жамоат ташкилотлари билан бир-галликда жойларда ислом динининг асл моҳиятини очиб бериш, аждоқларимизнинг илмий меросини одамларга оқдий, содда тарзда етказиш борасида учрашувлар, суҳбатлар ташкил этилади. Зеро, маъ-навияти, маърифати, диний билими юқори инсон-лар ҳеч қачон нотўғри йўлдан юрмайди, мутаас-сибликка берилмайди.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида келтирилган қарорига кўра амалга оширилаётган бу каби тар-ғибот-ташвиқот тадбирлари Ўзбекистон халқаро ислом академиясида давом эттирилади. Қолаверса, ҳамкор вазирлик, жамоат ташкилотлари билан бир-галликда жойларда ислом динининг асл моҳиятини очиб бериш, аждоқларимизнинг илмий меросини одамларга оқдий, содда тарзда етказиш борасида учрашувлар, суҳбатлар ташкил этилади. Зеро, маъ-навияти, маърифати, диний билими юқори инсон-лар ҳеч қачон нотўғри йўлдан юрмайди, мутаас-сибликка берилмайди.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида келтирилган қарорига кўра амалга оширилаётган бу каби тар-ғибот-ташвиқот тадбирлари Ўзбекистон халқаро ислом академиясида давом эттирилади. Қолаверса, ҳамкор вазирлик, жамоат ташкилотлари билан бир-галликда жойларда ислом динининг асл моҳиятини очиб бериш, аждоқларимизнинг илмий меросини одамларга оқдий, содда тарзда етказиш борасида учрашувлар, суҳбатлар ташкил этилади. Зеро, маъ-навияти, маърифати, диний билими юқори инсон-лар ҳеч қачон нотўғри йўлдан юрмайди, мутаас-сибликка берилмайди.

Хорижий экспертлар, турли диний ташкилотлар вакиллари, диншунос ва шарқшунос олимлар “Жаҳолатга қарши маърифат” гоғясининг бугунги кундаги аҳамияти ва шу номидаги қўлланманинг долзарблиги хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Шуҳрат ЕВҚОЧЕВ,**  
**сиёсий фанлар доктори,**  
**профессор:**

— “Жаҳолатга қарши маърифат” гоғясини бугунги кунда нафақат юртимиз, балки бу-тун ислом оламида ниҳоятда муҳим ва дол-зарб аҳамият касб этмоқда. Утказилаёт-ган тадбирлардан мудоао ҳам ушбу гоғяннинг маънавий одамларга оқдий, содда тилда етказиб беришдан иборат.

Академиямизда “Жаҳолатга қарши маъ-рифат” йўналишида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кун-да шу номидаги китоб туркумларини чоп этиши ишлари бошланган. “Жаҳолатга қарши маърифат” ўқув қўлланмаси ва ри-соласини нашр қилиб, ўқувчилар, асосан, ёшлар эътиборига тақдим этилди. Бу бора-даги учрашувлар, тадбирлар ҳамда давра суҳбатлари қизғин тусда ва юқори савия-да давом этади. Ҳатто Россия Федера-цияси, Туркия Республикаси ҳамда қўшни давлатларда ҳам ташкил қилишни режа-лаштирилганмиз.

**Бахтиёр ТўРАЕВ,**  
**фалсафа фанлари доктори,**  
**профессор:**

— Ислом дини ўз моҳияти жиҳатидан инсонпарварликни тарғиб этувчи ва

одамларни камолот, меҳр-мурувват, айна пайтда, адолат ва тинчлик-осо-йишталикка чақирувчи диндир. Экстремизм, фундаментализмнинг пайдо бўлиш илдизида исломнинг ана шу моҳиятини тўғри тушунамаслик, уни бир ёқлама, шахсан ўзи ёки бирорта ижтимоий гу-руҳининг манфаатига хизмат қилдиришга интилиш, яъни диндан сиёсий мақсадда фойдаланиш сабаблари мавжуд. Бундай оқимлар вужудга келишининг яна бир омилли динни мураккаблаштиришга ин-тилишдан иборат. Вахолонки, хадислар-да динни мураккаблаштирманлар, де-ган кўрсатмалар берилган.

Анжуманда турли диний оқимларнинг пайдо бўлиш сабаблари, илдишлари, ол-дини олиш, уларга қарши кураш йўлла-ри ҳақида суҳбат бормоқда. Булар мутахассислар томонидан очиб берилляпти.

Маърузалардан маълум бўляптики, ҳақиқатан ҳам, жаҳонда ислом динининг маърифатпарварлик, жаҳолатга қарши бўлган жиҳатларидан халқимиз етарли-ча хабардор эмас. Шунинг учун одам-ларга динимизнинг бу каби фазилатла-рини оқдий, содда, тўғри ва асослаб тушунтириб беришимиз керак. Ана шу жиҳатлар халқга етказиб берилса, одам-

лар турли айирмачиликлар, қарама-қаршиликларга дуч келмайди.

Имом Бухорий илмий-тадқиқот мар-казида қадим манбалар асосида тайёр-ланган қўлланмада исломнинг инсонпар-варлик моҳияти тўғри очиб берилган. Қолаверса, турли оқимларга қарши ку-раш йўллари ҳам кўрсатиб ўтилган. Ай-тайлик, Абу Муин Насафий асарларида диндаги Мотуридий йўналишининг мо-ҳиятини қўрсатиш орқали турли диний ақидапарастлик оқимлари пайдо бўли-шининг сабаб ва манбалари қаерда эканлиги айтилган. Бугунги кунда мар-казимизда шу бўйича ҳам ишлар олиб боришмоқда.

**Феруза АКРАМОВА,**  
**Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги**  
**“Оила” илмий-амалий тадқиқот**  
**маркази бўлим бошлиғи:**

— Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, ҳар бир оилада, хондонда “Жаҳолатга қарши маърифат” гоғясининг мазмун-мо-ҳиятини тарғиб қилиш алоҳида маъсуля-т талаб этади. Айни замонда юртдошлари-мизга маърифатни етказиш, уларда она Ватанимизни асрашга бўлган дахлдорлик ҳиссини юксалтириш ҳар қачонгидан му-ҳим. Давра суҳбатлари, учрашувларда ҳам-корларимиз билан шу каби вазифаларни атрофича муҳокам қилишмоқдамиз, халқ ичига, одамлар орасига кириб, бу тамо-йилларни кенг тарғиб этиямиз.

**Жамолiddин КАРИМОВ,**  
**“Жаҳолатга қарши маърифат” ўқув қўлланмаси ва рисола**  
**муаллифи, Илмий-тадқиқотлар ва инновация лойиҳалар маркази директори:**

— Китобда ислом динининг тинчлик, бағрикенглик моҳияти, миллатлараро дўстлик гоғялари, қолаверса, динимиздаги ўзаро бўлинишлар, ақидавий таълимотлар, маъзаблар тарихи ҳақида тўлиқ маълумот беришга ҳаракат қилдик. Шунингдек, бу-гунги кунда мавжуд экстремистик ташки-лотларнинг келиб чиқиб тарихи, асосчи-лари, уларнинг фаолият услублари, илга-ри сураётган гоғяларнинг ислом таъли-мотига зид эканлиги улуг алломаларимиз илмий мероси асосида очиб берилган.

Дарвоқо, ота-бонаналар кўп асрлар давомида турли диний оқимларга нисба-тан бебаҳо дурдоналар яратиб, йўл-йўриқ кўрсатганларки, худди шу хулосаларни ку-қур ўрганиш ҳозирги кунда ҳар қачонги-дан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Юсуф ИСМОИЛИЙ,**  
**Таълим, фан ва маданият**  
**масалалари бўйича ислом**  
**ташкилоти — ISESCOнинг таълим**  
**департаменти директори**  
**(Марокаш):**

— Бу каби семинарлар бугунги куннинг энг долзарб мавзуларидан ҳисобланади. Дарҳақиқат, илм қачонки эзгу мақсадда

тарқатилса, ундан жаҳолатга қарши маъ-рифат орқали курашиш маъносида фой-даланилса, бу ўз ижобий самараларини беради. Маълумки, аждоқларимиз илмини қаердан олиш, ёшлар, келгуси авлодга кан-дай етказиш бўйича кўплаб ишларни амал-га оширганлар. Уларнинг асарлари маъ-рифат йўлидан бориб, тўғри илм олишга қаратилган эди. Ҳозирги кунда Европа, Американида айни шу масалалар катта му-аммога айланган. Маърифат йўлида, яъни жаҳолатга бошловчи фикрлардан узоқла-шиб, чуқур ва пухта илм орқали маъри-фатга ерашиш, барибир, тўғри йўл экан-лиги бот-бот исботланмоқда. Уйлайманки, аждоқларимиз, олимларимиз йўлини тутсақ, бунда, албатта, давлат даражаси-даги машхур университетлар, олимлари-миз олиб бораётган тадқиқотларга танасак, энг оқилона йўл шу бўлади, деб ҳисоб-лайман.

**Абдулҳаким Шаърий ЖУЗЖОНИЙ,**  
**юридик фанлар доктори,**  
**профессор (Афғонистон):**

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев жуда ҳам ҳимматли гапни ай-танган, яъни жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозим. Бу айни ҳақиқат ва катта ҳаётий аҳамиятга эга. Ислом дини нуқтаи назаридан ҳам бир зарурат, вази-фадир. Болаларимизнинг табиғатига диқ-қат қилиш керак. Уларда ёшлагидан ватанпарварлик руҳини кучайтириш лозим. Ватанпарвар бўлган инсон ҳеч қачон бу

## ВАШИНГТОНДА ЎЗБЕКИСТОН — АМЕРИКА БИЗНЕС ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТАДИ



Бизнес форуми учта шўбага бўли-нган ҳолда ўтказилди. Чунончи, “Мар-казий Осиёда савдо-иқтисодий ва сармовий ҳам-корлик” мавзусидаги биринчи йўналиш минтақа-мизнинг барча мамлакатлари ва Афғонистон ташки иқтисодий алоқалари учун масъул вазир-лар иштирокида бўлиб ўтади. Унга АҚШ савдо вакили ёрдмчиси С. Уилсон модераторлик қилади.

Мазкур йўналиш, аввало, Америка компанияла-ри учун янги бозорларга йўлак вазифасини ўтаёт-ган Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг жозибадорлигини кенг намойиш этишга имкон беради.

Иккинчи йўналиш “Давлат-хусусий шериклик ва давлат қорхоналарини хусусийлаштириш” мавзусида бўлиб, унда Халқаро молия корпор

# ОНА ТИЛИМ – ЖОНУ ДИЛИМ

1989 йил. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилиниши арафасида баҳс-мунозара авжга чиққан. Энг асосий мавзу ушбу қонун талабларига риоя қилиш муддати ҳақида. Қонун лойиҳасида бу муддат ўн йил деб белгиланган бўлса, депутатлар муҳокамасидан кейин саккиз йилга ўзгартирилган эди ўшанда. Кейинчалик, 1995 йил 21 декабрдаги ўзгартиришларда бу муддат кўрсатилмаганди.

Қарангки, бугун ўша кунга саккиз йил ҳам эмас, ўн йил ҳам эмас, ўттиз йил тўлибди. Шу давр ичида она тилимизга бўлган муносабат қанчалик яхши томонга ўзгарганлигини ўйласак, юртимиздаги бизни ажаблантиради. Ахир Ўзбекистоннинг ноини еб, шу юрт фуқароси ҳисобланиб, тилини ўрганмаган инсонлар ҳақида нима дейиш мумкин? Яна бир муаммо. Олий маълумотлиқ, ҳатто номзодлик, балки докторлик диссертациясини ҳимоя қилган зиёлиларнинг баъзилари ўз она тилида тўрт қатор маттни ёзолмайдилар. Отаси ўзбек, онаси ўзбек, ўзи ҳам ўзбек, лекин русча савод чиқарган. Яқинда шундай олимлардан бири рус тилида ёзган мақоласини олиб келди. Ушбу маттни, яхшиси, ўзингиз ўзбеклаштириб беринг, десак, “Ана шунга нўноқмиз-да”, деган жавоби бизни ўйга толдирди. Қизиқ, биз тилга олган Қонун бундай зиёлиларга тааллуқли эмасми?

## Гурур

Қонуннинг 2-моддасида “Ўзбек тили ўзбек халқининг маънавий мулкидир” дея мустақиллик қўйилиши кенг жамоатчиликнинг гурурига гурур қўйди. Ахир ўзбек каломини ҳаётимизга, турмуш тарзимизга шу қадар сингир кетганки, уни бошқа тилга таржима қилиб тушунириб бўлмайди. “Хорманг”, “Бор бўлин”, “Хирмонингизга барака”, “Уминингизга барака”, “Қадамнингиз кўтлүг бўлсин” каби ўзбекча лутфларда халқимизнинг асрий тажрибаси, кўнгли поклиги, ҳақиқий доғишмандлиги ифодасини топади.

Биргина Тошкент метросини олайлик. Қайси бекатга келганимиз, олдинда қандай бекат бизга пешвоз чиқиши давлат тилида эълон қилинади. Шуниси диққатга сазоворки, метрога тушган ҳар қандай миллат вакили ўзбек тилидаги каломни осон тушунади. Бирор манзилни аниқлаш учун маълумотлар борисига қўнғирок қилсак, соф ўзбек тилида жавоб оламиз. Бир вақтлар нуқул ўзга тилда гапиришга мажбур бўлган “тез ёрдам”ни чақирин ҳам содда ўзбекларга катта муаммо эди.

Шу йил баҳорда “Туркистон” саройида “Олтин қалам” Миллий мукофоти соҳибдорларини тақдирлаш маросимида БМТ ва ЕХТ каби халқаро ташкилотларнинг вакиллари, ҳижолаб бўлса-да, ўзбек тилида чиқиш қилишди. Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси бўлган Алимшер Навоийнинг “Олам ахли билингизим...” сатрларини ёддан айтди. Залдагилар уларни қизгин олқишлашди. Сабаб? Чунки бу дипломатлар ўзбекча нутқ ирод қилиш орқали Ўзбекистонга



Хоснов ПАЙДЮЕВ олгин сурат.

кўрсатиш билан боғлиқ шахслар хизмат вазифасини бажариш учун давлат тилини зарур бўлган даражада билишлари лозим.

Қонун ишлаши учун нима қилиш керак? Юқоридаги моддани идоралар пештоқиға ёзиб қўйиш керакми?

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан кейин 27 йил ўтиб, яна бир тарихий воқеа рўй берди: 2016 йилда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилди. Ўзбек тили ва адабиётининг ҳақиқий табиятини ўрганиш, унга ривожланиш йўлини очиб билан машғул олий ўқув юртини Навоийдан бошқа яна кимнинг номи билан аташ мумкин?! Шўро даврида шу соҳага ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот институтини рус мумтоз шоири номи билан атаганимиз ёдимиздан кўтарилгани йўқ. Янги очилган университет талабалари “Мен Алишер Навоий бобомиз номи билан аталган ўқув юртида ўқийман”, деганда қанчалар ёқимли жаранглайди бу сўзлар.

Тилимиз соғлигини сақлаш учун тўғри келган-келмаган сўзларни тиклаштиришга йўл қўймаслиқни аниқлади. Лекин айрим ижодкорлар ўзига хос йўл тутиш, баъзан жохон мезонларига бўйлашиб деб ҳисоблаб, ўзбекча сўз ёнига инглизча ёки бошқа тилга мансуб сўзларни сунъий ёпиштиришга ҳаракат қилишмоқда. “Zo’l” TV телеканалда “Божадар-комьюнити” деган кўнғилочар кўрсатуви эзлаисизми? Бу атаманинг иккинчи қисми нима маъно англатишини кўпчилик билмас керак. “Ёшлар” телеканалда “KameRadar”, “Start up club” кўрсатувларини ўз тилимизда номласа бўлмайми? “Тошкент” телеканали дастури билан таншансангиз “Toshkent live”, “Highway”, “MFaktor praktikum”, “Hi-Tech” (ўзбекчада “Юксак технологиялар” дейиш мумкин), “Travel time” (шу кўрсатувдан бири юртимиздаги муқаддас қадамжоларга бағишланди, қизиқarli, албатта. Лекин нега шундай номланган?) каби жумбоқларга дуч келасиз. “Спорт” телеканалда “Battle time”, “Runner”, “Ревью” каби кўрсатувлар нимани англатишини тополмаслигингиз мумкин. Ахир бу кўрсатувлар ўзбек томошбинларига мўлжалланган-ку? Шунингдек, “Оилавий” каналда “Like”, “Миллий” TV каналда “MTV showkids”, “TV-Sale”, “M-news”, “Voydod karaoke”, “Qo’zg’olonshou” каби кўрсатувлар номини ўз тилимиздаги жозибали сўзлар билан номлашнинг илоҳий йўқмикин? Ахир ёшларимиз ҳаётдаги ахборотини ҳам, маънавий бойлиқини ҳам, асосан, телевидение орқали олишади-ку?! Бундай сунъий номлар нафақат тилимизни, дилимизни ҳам бузади.

Ўзбек тилининг нафосатини Алишер Навоий бобомиздан тортиб асрлар мобайнида мумтоз ёзувчи ва шоирларимиз ўз ихлодлари орқали намоеён этиб келишган. Аждодларимиз яратган бой меросни зўр иштиёқ ва ҳақсиз билан ўрганишимиз керак. Бунинг учун Ватанимизда давлат мақоми берилган ўзбек тилини эъзозлашимиз, қалбларимизга синдиришимиз керак. Бу чин ватанпарварликнинг яна бир намунаси ҳисобланади.

Шухрат ЖАББОРОВ.

# БИЗ ва ЖАҲОН

## Россиялик ёшлар: «ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎРГАНИШГА ҚИЗИҚИШИМИЗ ТОБОРА ОРТИБ БОРМОҚДА»

Москва давлат лингвистика университетидида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигига бағишланган ўқув-маърифий тадбир ўтказилди. Учрашувда олий ўқув юрти профессор ва ўқитувчилари, ўзбек тилини ўрганаётган россиялик талабалар қатнашди. Тадбирда сўзга чиққанлар қайд этганидек, дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили ўзбек халқи учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тими соли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида гоёта муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадриятдир.

2019 йил 21 октябрь куни Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганига ўттиз йил бўлди. Мазкур тарихий ҳужжатга биноан ўтган йиллар давомида ўзбек тили мустақам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди. Ҳозирги кунда у ҳаётимизнинг барча жабҳасида — давлат ва жамият бошқаруви, давлатлараро муносабатлар, илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат соҳаларида фаол қўлланилаётгани баробарида, халқаро майдонда унга бўлган қизиқиш кейинги вақтда кескин ошди. Тадбир иштирокчилари мамлакатда миллий тилнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини юксалтириш бўйича амал-

талабалар нафақат Лутфий ва Алишер Навоийнинг бетакрор ғазаллари, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг гўзал рубойлари, Аҳмад Яссавийнинг доно ҳикматлари, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳорнинг насрий асарлари, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов шеърларини аслида ўқиб, ўзбек тилининг бетакрор жозибасидан баҳраманд бўладилар.

Учрашув давомида Москва давлат лингвистика университети талабалари ўзбек тилининг турли жиҳатлари, ўзбек мумтоз ва замонавий шоир ҳамда ёзувчилари, ўлкамиз тарихи ва бугунги тараққиётига бағишланган тақдиротларни ва кўлланиш доирасини кенгайтириш, филолог кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларни янги поғонага кўтариш имконини берди. Ўз навбатида, Россиянинг қатор олий ўқув юртилари, жумладан, Москва давлат халқаро муносабатлар институти (университети), Москва давлат лингвистика университетида ва бир неча харбий олий ўқув юртиларида иккинчи тил сифатида ўқитилади. Россиялик

Мухбиримиз билан сўхбатда Москва давлат лингвистика университети магистранти Филипп Захаров қайд этганидек, ўзбек тилини ўрганган инсон унинг гўзаллиги ва харандорлигидан ҳайратга тушади.



— Биз ўзбек тили деганда, энг аввало, буюк Алишер Навоийни ёдга оламиз. Хар йили Москвада ул зотга ўрнатилган ҳайкални бориб зиёрат қиламиз. Навоийнинг шеър ва ғазалларида ўзбек адабий тилининг асл гўзаллиги яққол намоеён бўлади, — деди Ф. Захаров.

Мазкур олий ўқув юрти иккинчи босқич талабаси Мария Шатова ўзбек тилини нисбатан қисқа муддат мобайнида ўрганаётганига қарамай, тилимизда бурро гапиришга ўтди. — Мен ўзбек тилини севаман. Ўзбек қизлари ниҳоятда гўзал, уларнинг рақслари эса ундан ҳам чиройлидир. Шу сабабли келажакда ўзбек миллий рақслари бўйича тадқиқот қилиш ниятидаман. Ҳозирги кунда Сурхондарё, Хоразм шеваларини ўрганмоқдаман, — деди сўхбатдошимиз.



Москва давлат тилишунослик университети иккинчи босқич талабаси Жайхун Гасанли: — Ўзбек тили ва маданияти менга жуда ҳам ёқади. Келажакда Ўзбекистонда ишлашни орзу қиламан. Шу сабабли ҳозирги кунда ўзбек тилини чуқур ўрганганман. Амалий дарсларимизда Ўзбекистонга оид янгиликларни тайёрлайман. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга ҳурматим ниҳоятда баланд бўлиб,



ўз илмий ишмини ушбу етакчиға бағишламоқчиман. — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Москва давлат лингвистика университети ўртасидаги шартномага асосан, бу олий ўқув юртида 2010 йилдан бери ўзбек тили иккинчи тил сифатида ўқитиб келинмоқда, — дейди мазкур олий таълим даргоҳи ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди Беғам Қораева. — Талабаларимиз ўзбек тили, маданияти, халқ оғзаки ижоди, мамлакатимиз тарихи ва замонавий тараққиётига катта қизиқиш билдирмоқда. Талабаларимиз хар йили Алишер Навоий таваллудига бағишланган тадбирларда фаол қатнашади. Университетда Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонаси билан биргаликда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 535 йиллигига бағишлаб Москвада илк марта илмий-маърифий анжуман ўтказдик. Келгуси йилда ўзбек тилини ўрганаётган талабаларимиз учун Ўзбекистонга саёҳат уюштиришни режалаштирмоқдамиз.



Умуман олганда, ўтган йиллар мобайнида ўзбек тилини ўрганган уч гуруҳ талабалар ўқув юртини тамомлаб, бугун Россиянинг турли давлат идораларида масъул лавозимларда ишлаб келмоқда.

«Дунё» АА. Москва.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ янгиликлари

### Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш маркази ташкил этилди

Ўзбекистон Миллий университетида Интеллектуал мулк агентлиги билан ҳамкорликда Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш маркази ташкил қилинди. Марказ университет ёш тадқиқотчиларига интеллектуал фаолият натижаларини яратиш, улардан фойдаланиш ва ҳуқуқий муҳофиза қилиш масалаларини бўйича маслаҳатлар беради, уларга интеллектуал мулк соҳасига оид махсус маълумотлар базалари ҳамда бошқа ахборот ресурсларидан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятини тақдим этади. Шунингдек, илмий-техник ишланмалар самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг муаллифларида патент тадқиқотларини ўтказиш, ўз ишланмаларини тижоратлаштиришда патент маълумотларидан фойдаланиш бўйича зарур қўнқималарни шакллантиради.

### Ўзбекистон олий ўқув юрти дунёнинг кучли университетлари рейтингига кирди

Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ўзбекистон тарихида биринчи марта 2020 йил учун “QS”нинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари университетлари рейтингига қайд этилди.

Бу Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг республика олий таълим муассасаларининг халқаро нуфузини ошириш мақсадида “Times Higher Education” ва “QS” каби дунёнинг етакчи халқаро агентликлари билан сўнги икки йил ичида олиб борган ҳамкорлиги натижасидир. Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “QS” рейтингига академик сўроновна, иш бериувчиларнинг баҳоси ҳамда илмий салоҳияти каби мезонларда Шарқий Европа ва Марказий

Осиё давлатлари университетлари ўртасида иккинчи ўринда қайд этиб, 301—350 ўринлар оралиғидан жой олди. Ушбу рейтингда 1-ўринни Ломоносов номидаги Москва давлат университети, 2-ўринни Санкт-Петербург давлат университети эгаллади. Рейтингда Россия, Чехия, Туркия, Венгрия, Польша, Руминия, Словения, Хорватия, Беларусь, Болгария каби давлатларнинг етакчи олий ўқув юртилари жой олди.

«Халқ сўзи».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК онлайн-аукцион савдоларига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Жиззах вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 268/2018-03-сонли шартномага асосан <https://www.e-auksion.uz> электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида 2019 йил 7-8 ноябр кунлари ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига «Республика инкассация хизмати» ДУК Жиззах вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

T/p	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами
1.	«VOLKSWAGEN»	1997	25 114 BAA	130564
2.	«VOLKSWAGEN»	1998	25 936 LAA	130563
3.	«NEXIA»	2001	25 106 BAA	130565
4.	«YA3 315142-012»	2006	25 298 AAA	130573
5.	«YA3 31514»	2001	25 147 BAA	130570
6.	«YA3 31514»	2001	25 598 GAA	130569
7.	«YA3 315142-017»	2003	25 141 BAA	130568
8.	«YA3 315142-017»	2003	25 596 GAA	130567
9.	«YA3 315142-012»	2006	25 148 BAA	130572
10.	«YA3 315142-012»	2008	25 119 BAA	130571
11.	«CHEVROLET/NEXIA GLE»	2006	25 065 CAA	130566

Автотранспорт сакланаётган манзил: Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, О. Азимов кўчаси, «Республика инкассация хизмати» ДУК Жиззах вилояти бошқармаси автогаражи.

Талабгорлар диққатига! Аукцион савдоларида иштирок этиш — «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

## НАҚД ПУЛСИЗ АМАЛИЁТЛАРДА ХАВФСИЗЛИК НЕЧОҒЛИ ТАЪМИНЛАНАДИ?

Кейинги пайтда масофавий, банк ходимисиз 24/7 режимида ишлайдиган банк хизматларига эҳтиёж ортмоқда. Чунки улар миждонинг вақтини тежаб, турли овозагарчиликларнинг олдини олади. Шу босис тижорат банклари томонидан мазкур йўналишдаги хизматлар кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

### Анжуман

Масалан, «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан кечаю кундуз ишлайдиган, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шохобчалари 35 тага етказилди. Улар банкмат, инфокиоск сингари замонавий банк хизматлари кўрсатуви қурилмалар билан жиҳозланган. Улар орқали хоржий пул бирликларини сўмга айирбошлаш ҳам мумкин. Бундай шохобчаларда яратилган имкониятлар ҳақида давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида бажаришган ишлар таҳлилига бағишланган матбуот анжуманида маълумот берилди. «Нақд пулсиз амалиётлар:

янги технологиялар ва хизматлар» мавзусидаги ушбу тадбирда айтилганидек, «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан «Нито» тўлов тизимида ишлайдиган 27 мингта пластик карточка, 8 мингдан зиёд терминаллар тарқатилди. Улар ёрдамида контактсиз тўловларни амалга ошириш мумкинлиги кўпчиликка манзур бўлаётди.

Анжуманда иштирокчиларнинг нақд пулсиз амалиётларда хавфсизлик масалалари нечоғли эълан этилди, фибригарлик ҳолатларининг олдини олиш учун қандай инновация технологиялардан фойдаланилаётгани ҳақидаги саволларига ҳам атрафлича жавоб берилди.

С. ИБДУЛЛАЕВ.

«UTG-KERUI» МЧЖ қўшма корхонасига қарашли бўлган Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Самарқанд — Фузур автомобиль йўлида жойлашган, қурилиши тугалланмаган

**автомобилларга газ тўлдирив компрессор шохобчаси (АГТКШ) сотилади.**

Баҳоси келишилган нархда.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, С. Азимов кўчаси, 68-уй. Мурожаат учун телефон: 90-955-53-14.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК онлайн-аукцион савдосига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Қашқадарё вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 267/2018-13-сонли шартномага асосан <http://www.auksion.uz> электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида 2019 йил 7 ноябрда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Қашқадарё вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

T/p	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами
1.	«YA3 31514	2001	70 915 UAA	0130797
2.	«YA3 31514	2003	70 897 UAA	0130796
3.	«YA3 31514	2001	70 895 UAA	0130795
4.	«YA3 31514	2003	70 495 FAA	0130785
5.	«YA3 31514	2005	70 483 FAA	0130775
6.	«NEXIA»	2000	70 482 OAA	0130767
7.	«YA3 31514»	2003	70 339 FAA	0130761
8.	«YA3 31514»	2006	70 335 FAA	0130754
9.	«YA3 31514»	2006	70 224 GAA	0130746
10.	«YA3 31514»	2001	70 152 GAA	0130733
11.	«YA3 31514»	2001	70 147 GAA	0130721
12.	«YA3 31514»	2001	70 135 GAA	0130710
13.	«NEXIA»	1998	70 127 GAA	0130709
14.	«YA3 31514»	2001	70 126 GAA	0130708
15.	«DAMAS»	2001	70 124 GAA	0130705
16.	«YA3 31514»	2006	70 114 GAA	0130698
17.	«YA3 31514»	2003	70 113 GAA	0130696
18.	«YA3 31514»	2003	70 109 GAA	0130693
19.	«YA3 31514»	2001	70 095 GAA	0130632
20.	«YA3 31514»	2006	70 094 GAA	0130625
21.	«NEXIA»	1997	70 127 GAA	0130624
22.	«NEXIA»	2006	70 091 BAA	0130623
23.	«YA3 3909»	2001	70 077 GAA	0130622

Автотранспорт воситалари сакланаётган манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй. Талабгорлар диққатига! Аукцион савдосида иштирок этиш — «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

ЭЪЛОНЛАР

# ЕР ЮЗИНИНГ САЙҚАЛИ



Соҳибқирон Амир Темури 1370 йилда Самарқандни ўз давлати пойтахти қилиб танлагач, бу ерда бир-бирдан гўзал, бетакрор обидалар — кўркам жоме масжиди, Кўксарой, Бўстонсарой, Шохизинда каби иншоотларни бунёд эттирди ва атрофида 12 боғ-саройни яратди. Шу тарихи Самарқанд бетакрор шарқона қиёфаси, бой тарихи, ҳар қандай одамни ҳайратга солидиган ноёб обидалари билан сайёрамизнинг турли ўлкаларида афсонавий шаҳар сифатида шухрат қозонди. Шу боис бундан 23 йил муқаддам айнан соҳибқироннинг 660 йиллик юбилейида «18 октябрь — Самарқанд шаҳри кунин» деб белгиланган эди.

## Ифтихор

Истиқлол йилларида кендаги тарихий иншоотлар реконструкция қилиниб, атрофи ободонлаштирилди, бир қанча боғлар ва фавворалар қурилди, йўлақлар кенгайтирилиб, сайёҳлар учун қулай шарт-шароит яратилди.

Бу хайрли ишлар бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида тизимли равишда давом эттирилмоқда. Хусусан, Самарқанд туманидаги эшак эшик канали бўйида туристик марказ қурилиши бошланди. Маҳмуа учун 360 гектар

ер ажратилиб, унинг 80 гектарида анжуманлар маркази, 5, 4 ва 3 юлдузли меҳмонхоналар ва бошқа объектлар қурилиши мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари вилоятта ташрифи чоғида Самарқанд халқро аэропортини замон талабларига мос даражада реконструкция қилиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, қолаверса, сайёҳлар оқимини кўпайтириш учун янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берган эди. Шу асосда ишлаб чиқил-

ган режага биноан, 2019-2020 йилларда янги терминал қурилади, учиш-қўниш йўлаги таъмирланиб, самолётлар тураргоҳи кенгайтирилади, радиолокация тизими такомиллаштирилади. Айни кунларда белгиланган ҳудудда самолётлар туриш ва ҳаракатланиш йўлақлари янгидан қурилмоқда.

Самарқанд халқро аэропортидаги барча лойиҳалар рўйбога чиққач, бу ерда соатиға 600 хорижий ва маҳаллий меҳмонга хизмат кўрсатиш имконияти яратилади.

Президентимиз вилоятта икки йил олдинги ташрифида Самарқанд шаҳри аҳолисининг уй-жойга бўлган талаби тобора ошиб бораётганидан келиб чиқиб, шаҳар четидан замонавий аҳоли тураргоҳи масканлари барпо этиш зарурлигини таъкидлаган эди. Шу топшириқ асосида ўтган йили Самарқанд туманининг Қорасув массивидан 50 гектарга яқин ер ажратилиб, кўп қаватли уйлар қурилишига киришилди. 2018 йилнинг ўзига 1 344 хонадондан иборат 7 қаватли 32 та арзон уй барпо этилди. Хуқуқ-тартибот идоралари хизмат-

чилари ва ёш оилалар учун 5 қаватли 12 та тураргоҳ қурилиб, фойдаланишга топширилди. 4 та 12 қаватли, 5 та 14 қаватли, 9 та 16 қаватли уйлар қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Гулбод кўчасининг ниҳоятда торлиги транспорт ва пиёдалар ҳаракати учун ноқулайлик туғдириб келаётган эди. Шу боис Г-34 ва Гулбод кўчаларининг кесилишмасидан Самарқанд туманидаги Хўжа Аҳрор Валий мажмуасигача олиб борувчи кўчада 6 қаторли автомобиль йўли қуриш мўлжалланган бўлиб, айни пайтда 2,4 километрлик қисми тубдан реконструкция қилинди.

Рудакий ва Бўстонсарой кўчалари кесилишмасида эса лойиҳа қиймати 67,7 миллиард сўм бўлган тоннель қурилиши давом эттирилди. Йўлўтказиқнинг умумий узунлиги 534 метр ва тоннель қисми 93 метрга етади. Шу билан бира, Бўстонсарой кўчаси бўйлаб кенглиги 6, баландлиги 3 метр бўлган пиёдалар ер ости ўтиш йўли ҳам қурилади. Рудакий кўчаси бўйлаб кетган трамвай йўли ҳам тоннель остидан ўтади.

Самарқанд шаҳри кўчалари кўчма-кўчма ўтказиш, аҳолининг яқини дам олишини ташкил этиш мақсадида пухта хозирлик қилинди. Масалан, 7 октябрдан бошлаб шаҳар марказидаги Алишер Навоий кўчасида вилоятда етиштирилётган қишлоқ ҳужалиги маҳсулотлари ва қайта ишланган истеъмол молларидан таркиб топган «Табит саховати» ярмаркаси иш бошлади.

— Сафаримиз ушбу ярмарка ҳамда Самарқанд кўнига тўғри келгани яқин бўлди, — дейди испаниялик сайёҳ Софе Монсерат. — Қуёшли табииатингиз саховати бўлган мева-чевалар бирам мазали. Айниқса, тарвуз ва қовуннинг шунча тури бор, деб ҳаёлимга келтирмаган эдим. Уларнинг таъми ниҳоятда ўзига хос, шираси қучли, тўйимли. Шаҳар кўркамлигиға гап йўқ. Мозий ва бугун уйғун бўлган шаҳар. Бу ерда эканимиздан бахтиёримиз.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ  
(«Халқ сўзи»)

## Молия муассасаларида ТЕЗКОР ВА ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАР ЯНАДА ОММАЛАШАДИ

ХАЛҚ БАНКИНИНГ ЧИНОЗ ТУМАНИ ФИЛИАЛИ ЯНГИ БИНОДА ИШ БОШЛАДИ.

Тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг бизнес фойдаланиш рўйбога чиқаришда молия муассасаларининг алоҳида ўрни бор. Акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан Тошкент вилоятининг Чиноз туманида фойдаланишга топширилган янги филиал биноси ҳам шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир. Бинобарин, у аҳолиға кредит ажратиш, сифатли банк хизматлари кўрсатиш кўламини янада кенгайтиришда қўл келади.



Янги бионинг очилиши ўзига хос байрам тусини олди. Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда туман ҳокимлиги, банк масъуллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан мамлакатимиз молия-банк тизимида мижозларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, хизмат кўрсатиш маданияти ва аҳолининг банкларга бўлган ишончини ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги чора-тадбирлар самараси эса аҳоли турмушида, тадбиркорлар фаолиятида намоён бўляпти. Табиийки, мазкур жараёнда Халқ банки ҳам муносиб иштирок этмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида молия муассасасининг Тошкент вилоятидаги филиаллари томонидан тадбиркорликни ривожлантиришга 245 миллион сўмдан ортиқ кредит йўналтирилиб, 4 700 га яқин иш ўринлари яратилгани фикримиз тасдиғидир.

Шунингдек, вилоят филиаллари томонидан «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури ижроси доирасида 55 миллиард сўм, хунармандчиликни ривожлантириш мақсадида 6,4 миллиард сўм, хотин-қиз-

ларни қўллаб-қувватлашга қарийб 8 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди. Натижада 1 200 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Айни пайтда банк тизимида мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ўтган даврда банкнинг Қуйи Чирчиқ тумани филиалида банк хизматлари маркази ташкил этилган бўлса, келгуси ойда Бўжа филиалида шундай марказ қурилиши тугалланиши кўтилмоқда. Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл филиалларида эса марказларни жиҳозлаш ишлари олиб борилляпти.

Халққа яқин бўлиш, мижозлар манфаатига мос хизмат кўрсатиш молия муассасалари олдидаги энг муҳим вазифалардан саналади. Шу маънода, бугунги кунда тижорат банкларини томонидан сифатли, тезкор ва замонавий хизмат кўрсатишга ҳаракат қилинаётгани диққатга сазовор. Реконструкциядан сўнг замонавий қиёфага эга бўлган Халқ банкнинг Чиноз филиали биноси ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

## 18 октябрь — Темурийлар тарихи Давлат музейи очилган кун

### ЭКСПОНАТЛАР ҲАҚИДА ЭНДИ СМАРТФОНИНГИЗ МАЪЛУМОТ БЕРАДИ

Темурийлар тарихи Давлат музейининг ташкил этилганига 23 йил тўлди. Ҳозирги кунда унинг фонди Амир Темури ва темурийлар даврида илм-фан, маориф ҳамда маданиятнинг юксак даражадаги тараққиётини акс эттирган ноёб экспонатлар археологик топилма, ноёб қўлёзма ва тошбосма, нумизматика, мейморий қўллама, тош, шиша, сопол, металл, чинни, қурол-аслаҳа, каштадўзлик, заргарлик буюмлари, либос, ёғоч, геральдика, картиналар, миниатюра каби 18 та коллекцияга эга.



ди бебаҳо тарихий экспонатлар ҳисобиға янада бойитилаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Мисол учун, ўтган йили Курьони Каримнинг «Катта Лангар» нусхаси ҳам музей фондиға қабул қилинди. Сомонийлар давриға оид ҳамда Мирзо Улугбек номи билан Бухорода зарб қилинган мин тангалар, жорий йилда Тошкент вилоятидаги Кавардон, Шохруҳия ҳамда Хос ёдгориқларида олиб борилган археологик қузатув-қидирув ишлари натижасида топилган 33 та буюм музей фондидан

— Жорий йилнинг октябрь ойи ҳолати бўйича музейимизга 117 минг киши ташриф бурди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тему-

рийлар тарихи Давлат музейи директори Хуршид Файзиёв. — Шу йилнинг ўтган мuddати давомида музейимиз турли давлатлардан ташриф бурюрган

121 расмий делегацияни, 19 мингга яқин чет эллик сайёҳларни қабул қилди. Қувончлиси, улар сони йилдан-йилға ортиб бормоқда. Бунда ҳар йили музейимиз фон-

ўрин олди. Бу нодир экспонатларнинг ҳар бири буюк тарихимиздан сўзлайди.

Муассаса фаолиятиға замонавий технологиялар жорий этилмоқда. Жумладан, ташриф бурювчилар эндиликда музей экспонатларини смартфон ёрдамида кўриши, улар ҳақида электрон маълумотлар олиши мумкин. Бунинг учун ўзларини қизиқтирган экспонатни махсус дастурға эға смартфон ёрдамида сканерлашлари кифоя. Шу заҳотиёқ ўша буюм ҳақида маълумотлар телефон экранида пайдо бўлади. Музей маълумот берувчиларига ҳам эҳтиёж туғилмайд.

Шаҳзод ҒАҒФОРОВ  
(«Халқ сўзи»)

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК**  
онлайн-аукцион савдоларига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Тошкент вилояти бошқармаси билан 2018 йил 26 ноябрда тузилган 255/2018-01-сонли шартномаға асосан <https://www.e-aukcion.uz> электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 11-12 ноябрь** кунлари ўтказиладиган очик аукцион савдоларига «Республика инкассация хизмати» ДУК Тошкент вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Давлат рақами	Ишлаб чиқарилган йили	Лот рақами
1.	«УАЗ 3163-121»	01 283 SEA	2010	0130574
2.	«ГБАСПГ Nexia DONC»	01 927 OCA	2013	0130575
3.	«ГБАСПГ Nexia DONC»	01 257 OCA	2013	0130576
4.	«УАЗ 31514»	01 897 ZAA	2001	0130577
5.	«УАЗ 31514»	01 882 ZAA	2001	0130578
6.	«УАЗ 315142-012»	01 883 ZAA	2006	0130579
7.	«УАЗ 31514»	01 865 ZAA	2001	0130580
8.	«УАЗ 315142-012»	01 115 TDA	2003	0130581
9.	«УАЗ 31514»	01 895 ZAA	2001	0130582
10.	«ГАЗ 2705-222	01 762 ZAA	2002	0130583
11.	«УАЗ 315142-012»	01 103 TDA	2006	0130584
12.	«УАЗ 31514»	01 901 ZAA	2002	0130585
13.	«УАЗ 315142-012»	01 867 ZAA	2006	0130894
14.	«УАЗ 31514»	01 890 ZAA	2001	0130586
15.	«ГАЗ 2705-222	01 761 ZAA	2002	0130587
16.	«УАЗ 315142-012»	01 920 ZAA	2008	0130588
17.	«УАЗ 315142-012»	01 832 ZAA	2003	0130589
18.	«УАЗ 31514»	01 106 TDA	2001	0130590
19.	«УАЗ 315142-012»	01 914 ZAA	2006	0130591
20.	«УАЗ 315142-012»	01 728 ZAA	2006	0130592
21.	«УАЗ 31514»	01 726 ZAA	2003	0130593
22.	«УАЗ 315142-012»	01 108 TDA	2005	0130893
23.	«УАЗ 31514-012»	01 736 ZAA	2005	0130594
24.	«УАЗ 31514»	01 886 ZAA	2001	0130595
25.	«УАЗ 315142-017»	01 916 ZAA	2003	0130596
26.	«УАЗ 315142-017»	01 862 ZAA	2003	0130597
27.	«УАЗ 31512-017»	01 116 TDA	2003	0130598
28.	«УАЗ 315142-017»	01 857 ZAA	2003	0130599
29.	«УАЗ 315142-012»	01 109 TDA	2006	0130600
30.	«УАЗ 315142-012»	01 921 ZAA	2006	0130601

Автотранспортлар сақланаётган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, А. Қодирий кўчаси, 1-«А» уй.

Талабгорлар диққатиға!  
Аукцион савдоларида иштирок этиш — «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалға оширилади.

**«C and H Industry» МЧЖ ХК**  
Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:

Гилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача).  
Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).

Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.

**VOLVO махсус қурилиш техникалари**  
Гилдиракли экскаваторлар | Занжирли экскаваторлар

**SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)**  
Фронтал юклагичлар | Экскаватор-юклагичлар | Автогрейдерлар | Катоклар

Таклиф этилаётган барча техника учун кафолат мuddати тақдим қилинади. Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзгариш» ҚФЙ, Беларик маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони).  
Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.  
www.motoblok.uz t.me/motoblokuz

Маҳсулотлар сертификатланган.

**Халқ сўзи Народное слово**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатта олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 45 962 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юлбаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг сўзсиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.  
Газетанинг полиграфик жиҳаддан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — 3. Худойшукров.  
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.35 Тошпирилди — 01.55 1 2 3 4 5 6